

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**ИНСТИТУЦИОНАЛ ИҚТИСОДИЁТ**

**ТОШКЕНТ-2016**

# **1-Мавзу. “Институционал иқтисодиёт” фанининг предмети ва мазмуни, тамойиллари**

**РЕЖА**

**1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи**

**2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи**

**3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари**

**4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари**

# 1. Институционал назарияларнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи

Предмети

- инсонлар томонидан барпо этиладиган ва ўзаро ҳамкорликни таркибловчи сиёсий, иқтисодий ҳамда ижтимоий меъёрлар ва қоидалар.

Мақсади

–фаолият кўрсатаётган иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларини билиш, уни модернизация қилиш йўллариини танлаш ва хавф-хатарнинг олдини олишнинг самарали воситаларини танлаш ҳисобланади.

Вазифалари

– иқтисодиётининг ривожланиши, талаб ва таклиф қонунларининг ишлаши, хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳулқ-атвори, бозор ва маъмурий механизмларнинг фаолият кўрсатиши, иқтисодий ўсиш ва шу каби бошқа бир қатор жараёнлар ва ҳодисаларни ўрганишдан иборат.

# “Эски” тамойиллар




бозорда ҳамма вақт мувозанат  
мавжуд



бозорда индивидлар  
томонидан оқилона  
танлов амалга  
оширилади



индивидларга ташқи омиллар таъсир кўрсатмайди, уларнинг бирор ҳолатни афзал билиши барқарор ва экзоген хусусиятга эга



харажатларнинг ягона тури – ишлаб чиқариш харажатлари ҳисобга олинади. Айни чоғда айирбошлаш харажатлари эътиборга олинмайди



## “Янги” тамойиллар

бозорда айирбошлашни амалга ошириш учун ресурсларнинг хусусий мулкни ташкил этиши асосий замин ҳисобланади

индивидларда битим тўғрисидаги барча ахборот мавжуд

айирбошлаш чегаралари камайиб борувчи фойдалилик тамойили асосида ҳамда ресурсларнинг дастлабки тақсимланишидан келиб чиқиб белгиланади

“Эски”  
институционал  
мактаб

“Янги”  
институционал  
мактаб



**“Эски”  
институционал  
мактаб вакиллари**

**Т.Веблен, Ж.Р.Коммонс,  
У.Митчеллар, Й.Шумпетер,  
Ж.К.Гэлбрейт, Ф.Найт,  
К.Полани, К.Айрес,  
Г.Мюрдаль.**



**“Янги”  
институционал  
мактаб вакиллари**


**Р.Коуз, Д.Норт,  
О.Уильямсон, Р.Познер,  
М.Олсон, Ф.Хайек.**

## 2. Институционализмнинг методологик асослари ва институционал таҳлилда бошланғич нуқта масаласи


**Индивидлар ва институтларнинг ўзаро боғлиқлигини таҳлил этишда бошланғич нуқтага нисбатан иккита тамойил мавжуд**

*Методологик  
индивидуализм*

Методологик  
холизм



Биринчи тамоилда институтлар индивидларнинг манфаатлари ҳамда хатти-ҳаракатлари орқали тушунтирилади ва *методологик индивидуализм* деб номланади



Аксинча, таҳлил учун бошланғич нуқта сифатида индивидлар эмас, балки институтлар белгиланиши иккинчи тамоилга асос бўлади. Шу тариқа иккинчи тамоилда *холизм* методологиясидан фойдаланилади


Неоинституционализм иккита умумий асосдан келиб чиқади


биринчидан, ижтимоий институтлар аҳамиятга эга

иккинчидан улар неоклассик назария воситалари ёрдамида тадқиқ этилади

### 3. Неоинституционал назариянинг асосий йўналишлари

## Неоинституционализмнинг асосий тадқиқотлари






## Неоинституционализм назарияларнинг асосчилари

Р.Коуз, А.Алчиян,  
Г.Демсец,  
Р.Познер,  
С.Пейович ва  
Е.Фуруботн

Ж.Бьюкенен, Т.Таллок,  
М.Олсон К.Эрроу,  
В.Нисканен, С.Паркинсон;  
Г.Беккер, М.Фридмен,  
Ж.Стиглер, М.Олсон

Р.Коуз, О.Уильямсон,  
Д.Норт – иқтисодий  
ташкilot назарияси  
(фирма назарияси)га асос  
бўлиб хизмат қилди –  
М.Аоки, А.Алчиян ва  
Г.Демсец, С.Чунг,  
М.Женсен ва У.Миклинг,  
О.Уильямсон, Ю.Фама

Э.Крюгер, Ж.Стиглер, Э. де Сото, Э.Файг, К.Харт, Т.Шанин,  
Ф.Шнайдер



## Дуглас Норт

англ. *Douglass Cecil North*

Тугилган  
йили: 5 ноябрь 1920(1920-11-05) (91 год)


Тугилган  
жойи: Кембридж, Массачусетс

Ватани: АКШ

Илмий  
йуналиши иктисодчи

Альма-  
матер: Калифорния  
университети Беркли

Унвонлари Нобель мукофати  
«иктисодчи» (1993)



## Рональд Гарри Коуз

Ronald Harry Coase

Тугилган йили:	<u>29 декабрь</u> <u>1910</u> (1910-12-29) (101 год)
Тугилган жойи:	Уиллесден, <u>Лондон</u> , <u>Англия</u> , <u>Британская</u> <u>империя</u>
Ватани:	АКШ
Илмий йуналиши:	<u>иктисодчи</u>
Иш жойи:	<u>Институт Рональда</u> <u>Коуза</u> ; <u>Школа права</u> <u>Чикагского</u> <u>университета</u>
<u>Альма-матер:</u>	<u>Лондонская школа</u> <u>экономики и</u> <u>политических наук</u>
Унвони ва мукофатлари	<u>Нобель мукофати</u> <u>1991 йил</u> <u>«иктисодчи»</u>

## 4. Институционал иқтисодиётнинг ривожланиш хусусиятлари

Институционал иқтисодиёт ривожланишидаги кейинги давр неоинституционал ҳамда янги институционал босқичлардан иборат


Босқичларнинг номланишидаги ўхшашликка қарамай, институтлар таҳлилида принципиал жиҳатдан турли концепциялар мавжуд

Биринчи номланиш неоклассиканинг қатъий негизини ўзгаришсиз қолдиради

Иккинчи номланиш, аксинча, институтларнинг неоклассиканинг илгариги қоидалари билан боғлиқ бўлмаган янги назариясини яратишга уринишни акс эттиради

**Рональд Гарри Коуз «Фирма табиати» (1937), «Ижтимоий харажатлар муаммоси» (1960) каби мақолаларида биринчи бор неоинституционализмнинг тадқиқот дастурини шакллантирган эди. Ушбу дастурда неоклассик назариянинг “ҳимоя қобиғи”га қуйидаги ўзгартиришлар киритилган.**

*Биринчидан, хусусий мулк билан бир қаторда мулкчиликнинг жамоавий, давлат, акциядорлик шакллари таҳлил қилинади ва уларнинг бозорда битимларни таъминлашдаги нисбий самарадорлиги таққосланади*



*Иккинчидан, неоклассик моделга ахборот харажатлари, яъни битим тўғрисидаги ва бозордаги вазият тўғрисидаги ахборотни қидириш ва олиш билан боғлиқ харажатлар тушунчаси киритилади*


*Учинчидан, ишлаб чиқариш харажатлари билан бир қаторда трансакция харажатлари мавжудлиги неоинституционалистлар томонидан таъкидланди*

Институционал иқтисодиёт ривожланишидаги иккинчи босқич ўйинлар назарияси (Ж. фон Нейман, О.Моргенштерн, Ж.Нэш)нинг неоклассикадаги умумий мувозанат моделига нисбатан билдирган танқидий хулосаси билан бошланди



Айнан ўйинлар назарияси янги институционал иқтисодиёт моделларининг тилини шакллантирди. Ўйинлар назарияси қуйидаги тахминларга асосланади:

бир неча мувозанат нукталари мавжуд бўлиши мумкин



мувозанат умуман мавжуд бўлмаслиги мумкин

мувозанат нукталари Парето бўйича оптимум нукталарига мос келиши шарт эмас